

Ishonch

2019 йил 14 декабрь • шанба • № 150-151 (4280)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХХТ ДИИХБ САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 декабрь кuni Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХХТ ДИИХБ) Сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Каэтана де Зулүэта Оутрамни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕХХТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги конструктив ҳамкорлик изчил ривожланиётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда ташкилот Бош қотиби Томас Греммингернинг мамлакатимизга ташрифи якунида қабул қилинган ЕХХТ билан шерикликни кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси» амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташкилотнинг Парламент Ассамблеясидаги ўз иштирокини тиклади. ЕХХТ юртимиздаги парламент сайловларига 1999 йилдан буён илк бор тўлақонли миссияни жўнатди.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари хусусида батафсил фикр алмашилди, мил-

лий қонунчиликни янада такомиллаштириш, сайлов ва бошқа соҳаларда қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

ЕХХТ ДИИХБ Сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Президентимизга самимий қабул ҳамда Ўзбекистон Республикасининг мазкур ташкилот билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёрлиги учун миннатдорлик билдирди.

Каэтана де Зулүэта Ўзбекистондаги сайловлар мутлақо янги сиёсий муҳитда, сезиларли даражада такомиллаштирилган ҳуқуқий нормалар асосида ўтаётгани, шу сабабли ДИИХБ сайлов жараёнларини катта қизиқиш билан кузатаётганини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯПОНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан 2019 йил 17-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Япония Бош вазири Синдзо Абэ, Парламентнинг Масахатчилар палатаси президенти Акико Санто, Парламентнинг Вакиллар палатаси спикери Тадамори Осима, Бош вазир ўринбосари, молия вазири Таро Асо билан музокаралар бўлиб ўтади. Томонлар Ўзбекистон – Япония муносабатлари, жумладан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишларини муҳокама қиладилар, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Япония Императори Нарухито томонидан қабул қилинади.

Ташриф дастуридан, шунингдек, Япония халқаро

ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаока, етакчи саноат ва молия тузилмалари раҳбарлари билан учрашувлар ўрин олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Япония компаниялари вакилларини Ўзбекистондаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ўзаро манфаатли шартлар асосида жалб қилиш масалаларини кўриб чиқиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Япониянинг энг муҳим иқтисодий марказларидан бири – Нагоя шаҳрига ташриф буюриб, шаҳарлар ва таълим муассасалари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш истиқбол-

ларини муҳокама қилиш учун Аичи префектураси губернатори Хидэаки Омуро, шаҳар мэри Такаси Кавамура, Нагоя университети ректори Сейичи Мацуо билан учрашади.

Музокаралар натижаси бўйича Ўзбекистон билан Япония ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, божхона, туризм, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА



КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 декабрь кuni Япониянинг Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамурани қабул қилди.

president.uz

«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



uza.uz



Хукумат қарори (984-сон, 12.12.2019 й.) билан Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низом тасдиқланди.

uza.uz


Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Миссиясининг жорий йил 25 ноябрдан 10 декабргача бўлган даврни қамраб олган, парламент сайловларини кузатиш бўйича оралик ҳисоботи эълон қилинди.

osce.org



Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Эрон хукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

uza.uz




Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Япония тадқиқотлар таҳлилий маркази очилди.

uza.uz




Хоразм рақси – «Лазги» инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига Ўзбекистон маданий меросининг элементи сифатида киритилди.

madaniyat.uz




Тошкент вилояти Паркент туманидаги Қумушқон – биринчи туризм қишлоғида «EDELWEISS» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

uza.uz



Тошкентда 13 декабрь кuni «Хавфли ўсмаларни даволашда мултидисциплинар ёндашув» мавзусида халқаро симпозиум ўз ишини бошлади.

uza.uz



Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 13-14 декабрь кунлари Академия ва Миллий банк ҳамкорлигида «Лойиҳаларни молиялаштириш ва рискларни ҳеджирлаш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган Россиянинг ГАЗПРОМБАНК тижорат банки вакиллари иштирок этмоқда.

uza.uz

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЁБИ



Минг йиллардан буён ёнма-ён яшаб келаётган ҳудуд аҳолиси бир-бирини тўғри англаш йўлида ҳаракатга келгани, ўйлаймизки, Президентимиз ўртага ташлаган ҳаётбахш ғояларнинг илк меваларидир. Қолаверса, ушбу ташаббуслар самараси ўлароқ эндиликда қўшни давлатлар ўртасида деярли барча жабҳаларда ижобий ҳамкорлик кўзга ташланмоқда.

2

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН


Жамоатчилик назорати шундай мезонга таянмоқда



Президентимиз жамият билан бақамти ишлашни истаяпти, унинг қалбига қулоқ тутишни ихтиёр этмоқда, жамиятни пок ниятлар, ҳамжиҳатлик билан бошқаришни ният қилмоқда. Келинг, шу эзгу ишларда елкадош бўлайлик. Эркин фикр айтишда, юрт равнақи, одамларнинг ризолиги йўлида жасорат, ватанпарварлик, адолат ва ҳолилик каби муқаддас тушунчаларни байроғимизга айлантирайлик!

3

Ўзбекистонни ўзгартирган уч йил



4-5

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ЖИЛОЛАРИ

Шу йилнинг октябрь ойида Марказий Осиёда ягона саналадиган «Ультрамарин» бўёқлари заводининг биринчи навбати ишига туширилди ва бу йилига 4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратди.

7



Миллат қалбини то этган санъат

Мақомлар миллат руҳиятини юксалтирувчи, ўзлгимизни англатувчи, ҳақ сари бошловчи санъат дурдоналаридир. Ёшлар тарбиясида ундан самарали фойдаланишимиз керак. Мақом миллатнинг қалби саналади. Ундан узоқлашиш қалбдан йироқлашиш, ўзликдан узоқлашишдир. Буни англайдиган пайтимиз аллақачон келди.

8

Гоҳ шовқин-суронли ур-сур билан, гоҳида ҳаяжон-у ҳадик билан ўтаётган бугунги кунларимизнинг қадри ўзгача. Негаки, айна дамларда Янги Ўзбекистоннинг порлоқ номи дунё харитасида қайта балқмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳаётимизда юз бераётган баъзи тушунмовчилик, камчилик, хафагарчилик-у гина-қудуратлар бари ўткинчи ва кечиримли, дегинг келади.

Зотан, бугун Ўзбекистон ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон янгилашмоқда, ўтмишини қораламаган ҳолда том маънода янги келажagini яратмоқда. Хорижлик бир сиёсатшунос бу жараёнларга содда ва лўнда қилиб «Ўзбекистон изоляциядан чиқмоқда» дея баҳо берди. Бу, албатта, бунёд бўлаётган янги жамият мотивига умумий бир баҳо-дир. Бироқ масаланинг моҳиятини тағминга жойлаган ушбу жумла нишонни тўғри олгани билан ғоятда аҳамиятлидир. Негаки, мамлакатимиз ҳаётини қайта қуришга қаратилган ҳаракат марказида айнан ўша изоляцияни «синдириш» ётади. Бу нималарда акс этди? Аввало, шуни қайд этиш керакки, узоқ йиллар жамиятда маргинал мақомини олган қадрият ва қарашлар синди. Буни биз кейинги уч йилда инсон ҳуқуқлари, чет ватандош (фуқаро)лардан ноўрин тайсаллаш тамойилларининг бартараф этилишида кўриб турибмиз.

рада муҳим қадам бўлди. Яқинда пойтахтимизда мазкур форматнинг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтган давр мобайнида минтақадаги кўшнилари бир неча ўн йиллардан буён қийнаб келётган муаммолар ҳал этил-



Қудратилла РАФИҚОВ, сиёсатшунос

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг хабарига кўра, ўтган уч йилда 9692 нафар юрtdошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган, 1991 ва 2017 йиллар орасида атиги бир киши оқланган бўлса, кейинги уч йилда 1 минг 705 нафар инсон янги ҳукумат сиёсатида адолат кўчишни кўргандай бўлди. Ёки 2017 йилга қадар ўтган 10 йилда юртимизга 14 миллион сайёҳ келган бўлса, кейинги уч йилда улар сони 15 миллиондан ошдики ташкил қилмоқда...

Албатта, буларга бугун тез ўзгараётган ўзбек жамияти контекстидан олинган маълум бир мисоллар сифатида қараш ўринлидир. Ҳолбуки, бундай эврилишлар ҳозирда барча жабҳаларда, образли қилиб айтганда, мамлакатнинг бутун «танасида» бўй кўрсатмоқда...

Бир неча ўн йилга чўзилган ёпиқлик сиёсати Ўзбекистонни кўп имкониятлардан бенасиб қилгани ва ҳатто, бу хонанишлик минтақадаги геосиёсатга ҳам салбий таъсир эта бошлаганини кўпчилик хориж экспертлари айта бошлаганди... Эҳтимол, шу сабаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг дадил ва прагматик ҳаракатлари бизга хайрихоҳ сиёсий қучлар гурунглирига мой сепгандай бўлди. Хўш, кўпчилик тўлқинланиб гапирётган, минтақа ва дунё сиёсатида сезиларли бурилиш ясаган ислохотлар қандай бошланганди, ўзи?! Энг аввало, бунга Президентимизнинг узоқ йиллар мамлакат юзини тўсиб турган «чиммат»ни олгани, Ўзбекистон ўз тараққиётини дунёга очқилида кўраётган ўлароқ бу борада амалий ҳаракатларга киришганида, деб қараш ўринли бўлади,

ниш учун сув» ҳаракатларининг халқаро ўн йиллиги, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси қабул қилингани, Марказий Осиё бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциялари ва шу каби бошқа кўплаб кенг эътироф этилган халқаро ташаббуслари яхши маълум. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу илҳомбахш жараёнларни яқинда пойтахтимизда ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувида қилган маърузасида қуйидагича изоҳлади:

«...Буларнинг барчасида барқарор бир тенденция – давлатларимизнинг муस्ताқил роли ва умумий келажак учун масъулиятни кучайиб бораётгани намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Марказий Осиё давлатлари минтақавий ва глобал масалалар бўйича тобора кўпроқ умумий позициядан туриб фикр билдирмоқда.

Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашуви-миз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва ортга қайтмай-диган жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, қучур тарихий омиллarga эга ва қимнандир манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Бу борада, бирлик ва жиқликни мустақкамлаган ҳолда, биз изчил ва барқарор ривожланиб бораётган минтақамизнинг, демакки, истиқболли ва ишончли халқаро шерикнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқдамиз.

Натижада, дунёда Марказий Осиёга эътибор изчил ортиб бормоқда, бизнинг бир-галликда илгари сураётган ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга етакчи давлатлар ва халқаро молия тузилмаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда.

Шу муносабат билан минтақа мам-



қанақа плюссиз (ёки минуссиз) ундан ҳам яхши (Қудратли давлатларсиз ҳам!) Ўзбекистонга минтақавий ҳамкорлик йўлида етакчилик қилаётгани учун шарафлар бўлсин», деб ёздади twitterдаги саҳифасида элчи...

Ўзбекистон ва шахсан Президентимизнинг ташаббуслари минтақадан ташқарида шундай акс-садо бераётган экан, демак, Марказий Осиё дунё геосиёсатида ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этаётганини ҳис этиш мумкин.

Зеро, минтақа мамлакатлари лидерларининг конструктив ва прагматик сиёсати шарофати билан ҳудудда икки томонлама ҳамда кўп томонлама муносабатлар изчил, барқарор раванқ топиши учун зарур шароит вужудга келди. Хусусан, охириги уч йил минтақадаги ўзаро ҳамкорликда жадал ўзгаришлар даврига айланди, Марказий Осиё давлатлари ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар жаб-

зий Осиё мамлакатларига ташриф буюришини билдирган...

Минтақа бўйича йирик мутахассис **Жонс Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старр** Тошкентда ўтган мазкур йиғилишга жуда юқори баҳо берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шу йил 29 ноябрда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашгани ҳақидаги хабарни катта заъқ-шавқ билан кутиб олдим. Бу жуда муҳим воқеа. Сабаби, у Марказий Осиё мамлакатларининг ҳавфсизлик, савдо, транспорт, маданий мерос, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ўз ичига олган барча муҳим жабҳалардаги ўзаро алоқаларини қамраб олади.

Беш мамлакат Президентлари назик масалалар, жумладан, минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини муҳокама қилиш имкониятига ҳам эга бўлиши. Ушбу давлатлар минтақадаги ҳаракатларини ягона орбитага жамлаш орқали дунё иқтисодий-сиёсий майдонда янада самарали фаолият юритишни режалаштиришга тўғри келди. Мазкур формат кун тартибидан Кўшни Афғонистон масаласи ҳам борлиги мазкур тадбирнинг яна бир муҳим жиҳатидир. Зотан, бу давлат ҳам минтақанинг бир қисми бўлиб, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар Афғонистонни иқтисодий ривожлантириш ва у ердаги тинчлик жараёнлари йўлида ўзаро ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Яна бир бор такрорлайман, мен учун бу жуда катта таассурот қолдирган воқеа бўлди ва 2019 йил 29 ноябрь Марказий Осиё минтақасининг қайта туғилиш санасига айланди. Бу, аслида ҳам Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакатнинг миллий байрамига айланилибга арзирли воқеадир...

Албатта, сиёсат-у-иқтисод ўз йўлига, бироқ ушбу форматда яна бир муҳим нуқта борки, бу тарихий ўтмиш ва ўзаги бир-бирига туташиб кетган умуммаданият билан боғлиқ фактордир. Минтақанинг беш мамлакатини улар тарихи, маданияти, дини, анъаналари ва ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги кўп нарсалар бирлаштириб туради. Бу факт. Лекин кейинги юз йиллик ва сўнги минг йилликнинг бугунгача бўлган даврида ён қўшиллар ўртасида турли келишмовчиликлар бўлиб тургани, оқибатда минглаб йиллик умумтарихга эга халқларнинг умумкелажига шубҳа остида қолаётгани ҳам факт эди. Шу маънода мазкур саммит халқлараро ва давлатлараро муносабатларнинг нафақат сиёсий, балки тарихий-руҳоний қиёфасига ҳам сайқал берди. Бу, айтиш мумкин бўлса, халқларимиз тарихидаги энг ёрқин бурилиш нуқтаси бўлиб қолса, ажаб эмас. Зотан, бу тарихдан Турон, Моварунахр, Туркистон номлари билан дунёни ларзага солган она заминимизда яшашган барча қардош-у қондош элимизнинг орзуси эди. Ушбу тилак, истак, орзу ўзига шу муқаддас заминни бешик билган ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарварнинг қонида гупириб тургани айни ҳақиқатдир. Мана, эътибор қилинг, бундан 100 йил олдин жадидчи бобомиз Абдулла Авлоний қандай хитоб этган эди:

«...Бобокалонларимизнинг машхур насихати бор, у ўз ўғулларига қилиб эдикки, бирлашингиз. Масалан бир даста таёқни бирга боғласангиз, кимса синдирилмас. Агарда ажратсангиз, бирин-бирин ҳар ким синдирур. Мана, бобонгизнинг буйруғи.

Чирояларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто, дунёнинг у бир учигади қариндошлари ила бирлашур эканлар, бошқа даста ва кувватли давлатларга тобъ бўлуб, ютилуб, ҳатто, тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоққа жон ва қучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдур, аҳмоқликдур. Турк томурига болта урмоқликдур».

Шу нуқтаи назардан гапирадиган бўлсак, Президентимиз бош-лаб берган ушбу ҳаракат нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиз аҳолиси ҳаётида, қолаверса, дунё сиёсатида муҳим янгилашни ясагани билан ғоятда аҳамиятлидир.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЙЎБИ



назаримда. Бу янгилашни истагида ёнаётган, минтақа юраги бўлган мамлакатга ва ён қўшилларга нима берди?!

Авалло, шуни қайд этиш керакки, бу ислохотлар юқорида айтганимиздай нафақат мамлакат ҳаётида, балки минтақа, қолаверса, дунё геосиёсатида муҳим бурилишни бошлаб берди. Хусусан, бу ҳақда Stratfor Worldview сайтида эълон қилинган «Uzbekistan Comes in From the Cold» номли мақолада шундай ҳикоя қилинади: «...изоляциянинг узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан муносабатларини белгилаб келди. Бироқ Марказий Осиёнинг энг аҳолиси зич жойлашган мамлакатидоги ислохотлар Тошкентдан анча узоқ жойларда ҳам акс-садо бермоқда. Ўзбекистон сиёсий эволюцияси – тадрижи натижага ўлароқ, Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни мустақамлаш баробарида Россия, Хитой ва Қўшма Штатларнинг ҳам тобора жозибдор ҳамкорига айланиб бормоқда, чунки улар минтақага таъсир кўрсатиш йўлидаги стратегик рақобатлашув ва инвестициялар киритишида қатнашмоқда. Ўзбекистоннинг очилаётгани унга ўз минтақасидаги иқтисодий ва ҳавфсизлик соҳаларидаги фаолиятини кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар яратади...»

Мақола муаллифи тўғри эътироф этганидек, минтақа давлатларининг яқинлашуви, узоқ йиллик беғонасирашдан воз кечиши барча қўшиллар учун манфаатлидир. Бунинг учун эса умумсиёсатни аниқ ва пухта белгилаб оладиган формат керак эди. Президентимиз томонидан 2017 йилда ўртага ташланган ва ўтган йил Остона (ҳозирги Нур-Султон) шаҳрида биринчи йиғилиши ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашуви бу бо-

моқда. Хусусан, қўшиллар ўртасидаги чегаралар ва трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш масаласи... Бу икки муҳим омил минтақадаги мустақил давлатлар муносабатларининг мудом бир-биридан совшишга ва ҳатто, ўзаро нифоқ чиқишига туртки берган омиллardan бўлиб келгани факт. Эндиликда минг йиллардан буён ёнма-ён яшаб келётган ҳудуд аҳолиси бир-бирини тўғри англаш йўлида ҳаракатга келгани, ўйлаймизки, Президентимиз ўртага ташлаган ўша ҳаётбахш ғоянинг илк меваларидир. Қолаверса, ушбу ташаббус самараси ўлароқ эндиликда қўшни давлатлар ўртасида деярли барча жабҳаларда ижобий ҳамкорлик кўзга ташланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 мартага ўсди. Қўшиллар билан биргалликда чегаралардаги ҳуқуқий расмийлаштириш ишлари яқунлашни арафасида. Олтиншга яқин ўтиш пунктларининг тўлақонли фаолиятини таъминлаб, дунёнинг кўплаб давлатларига нисбатан виза режими бекор қилинди. Ишбилармонлик ва ҳудудлараро алоқалар, транспорт қатновлари, маданий-гуманитар алмасхулар кенгайиб бормоқда.

Ўтган йили Ўзбекистонда биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми ҳамда минтақа мамлакатлари Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Ишчи гуруҳнинг дастлабки учрашуви ташкил этилди.

Ўн йиллик танаффусдан сўнг 2018 йилда Туркманистонда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қолаверса, қўшилларнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича музокаралар олиб боргани, Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш, «Барқарор ривожла-

лакатларининг хорижий шериклар билан турли форматларда яқин ва тизимли мулоқотини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблайман».

Ушбу учрашувада Президентимиз бешта муҳим тақлифни ўртага ташлади. Бу истак, энг аввало, халқларимизни янада яқинлаштириш, яқин қўшничилик анъаналари бардавонлигини таъминлаш, пировардида ҳудуд иқтисодиётини юксалтиришга қаратилганлиги билан ғоятда қадридлидир. Албатта, пойтахтимизда бўлиб ўтган ушбу учрашув дунё сиёсий доиралари эътиборида бўлиб турди. Қувонарлиси, аксарият сиёсатчи ва таҳлилчилар Шавкат Мирзиёев бошлаб берган ушбу ташаббусни олқишладилар. Хусусан, АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элис Уэллс Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини шундай олқишлади:

«Яқинда Тошкентдаги учрашува Марказий Осиёнинг беш мамлакатлари раҳбарлари томонидан лидерлик ва узоққа мўлжалланган қарашлар намойиш этилганини кўришдан мамнунмиз. Минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва фаровонлиги учун жуда муҳимдир. Президент Мирзиёев ушбу тадбирга мезбонлик қилгани учун ташаккур».

Ўз навбатида, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Даниел Розенблум ҳам ҳамкасбининг фикрларига қўшилган. «С5+1 (+АҚШ, +Европа Иттифоқи, +Япония, +Жанубий Корея, +Ҳиндистон ва Ҳоказо) яхши. Лекин С5 (Изоҳ: С5 — Марказий Осиё беш давлатига нисбатан ишлатиладиган қисқартма) ҳар

ҳаларда стратегик шериклик ришталари ўрна-тилди.

Тошкентдаги мулоқот савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқалари, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги, саноат кооперацияси, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, энергетика, туризм, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳар томонлама кўриб чиқиш имкониети берди.

Экспертларнинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Маслаҳат учрашуви давомида илгари сурилган ташаббуслар, биринчидан, дастурий ва кенг қамровли характер касб этади, иккинчидан, минтақавий ҳамкорликнинг аниқ масалаларини ҳал қилишга қаратилган, учинчидан, уларни амалга ошириш минтақанинг жадал тараққиётига замин яратади.

Уларнинг таъкидлашларича, Президентимиз томонидан Марказий Осиё инвестиция форуми, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталарининг илк йиғилишини ўтказиш, Транспорт-коммуникациялар бўйича минтақавий кенгашининг ташкил этилиши бўйича билдирган тақлифлари минтақа давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга кучли туртки беради.

Масалан, АҚШнинг «Boston Consulting Group» экспертлари фикрича, минтақавий ҳамкорлик фаолаштириш натижасида келгуси ўн йилда Марказий Осиёга 170 млрд долларгача ҳамда инвестиция кириб келиши мумкин. Эътиборлиси, шундан 40-70 млрд доллари ноҳомашё тармоқларига йўналтириллар экан.

Экспертлар «Бир саёҳат билан – бутун минтақа бўйлаб» тамойили асосида қўшма дастурларни илгари суриш учун Халқаро туризм конференциясини ташкил этиш ҳақида тўхталиб ўтишар экан, бу минтақага сайёҳлар оқимини бир неча баробар оширишга олиб келишига уруғ беришиди. Соҳанинг дунёдаги энг йирик «Tripadvisor» сайти Жаҳон туризм ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказган тадқиқотда қатнашган респондентлардан 61 фоизи Буюк ипак йўлининг қадимий шаҳарларига боришни хоҳлашлари маълум бўлди, 47 фоизи агар ягона вишари жорий этилса, Марка-

Сайлов – 2019

Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Маҳмуд Истамов ҳамда Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқова иштирокида журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси: сайлов кампанияси қизғин жараёнга кирди



Унда қайд этилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлов жараёни қизғин паллага кирмоқда. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида 20 миллион 516 минг 710 нафар сайловчи эълон қилинган. 12 декабрдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудидаги 10 260 та сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланди.

Дастлабки кун аяқларига кўра, 1 036 нафар сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланди, – дейди Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Маҳмуд Истамов. – Бунда энг кўп кўрсаткич (159 та) Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятига тўғри келди. Самарқанд вилоятида эса энг кам – 10 нафар шахс муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланган.

12 декабрдан бошлаб республикамизнинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхона ва консуллик идораларида тузилган 55 та сайлов участкаларида ҳам

муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланди. Шу кунини 9 308 нафар хорижда истиқомат қилаётган фуқаро сайловларда қатнашди.

Хусусан, Россия Федерациясида кўча кутиларда муддатидан олдин овоз бериш жараёни амалга оширилиб, унда 7 638 нафар фуқаро иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясига сайлов кампанияси бошланган кундан эътиборан бугунга қадар фуқаролардан 338 та мурожаат келиб тушган. Худудлар кесимида энг кўп мурожаат Сурхондарё вилоятига тўғри келмоқда – 69 та. Энг кам мурожаат Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятларида – 10 тадан. Мурожаатларнинг 86 таси ёки чорак қисми маҳаллий кенгаш депутатлигига номзодини кўрсатиш жараёнида ноқонуний ара-лашувлар тўғрисида бўлиб, уларнинг 41 таси кўшимча текширув ўтказиш учун про-кура тура идораларига юбо-риш ҳуқуқидан фойдаланган.

12 декабрдан бошлаб республикамизнинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхона ва консуллик идораларида тузилган 55 та сайлов участкаларида ҳам

Озода РЎЗИҚУЛОВА,
«ISHONCH»

Бош Қонунимиз қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида Президентимизнинг нутқи барчанинг кайфиятига, қарашларига ўқтамлик, шахд ва шиддат бахш этди, десам адашмаган бўламан, назаримда. Маърузадаги бугунги жараёнларга муносабат, таҳлил, эртанги ва истиқболдаги режалар, мақсад ва вазифалар барчамизни руҳлантиргани ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жамоатчилик назоратига алоҳида тўхтади. Шу ўринда айтиш ўринлики, бу назорат моҳияти эътибори билан эски, таъйинққа асосланган «назорат»дан фарқ қилади. Яъни у либерал – жамоатчилик кучига таянади. Бу нима учун керак? Чорак аср ёпиқ турган жамият сатҳидаги силсила ўз селида кўп лойқаларни оқизиши бор гап эди. Ушбу омилни шу зарурат кун тартибига қўйди. Зотан, зулматдан чиққан одамнинг ёруғликка мослашиши осон эмас...


Гапнинг очиги, сўнги уч йилда жамият бутунлай ўзгарди. Давлат бошқаруви ёпиқликдан очиқликка ўтди. Сўз ва фикр эркинлиги кенгайди. Оммавий ахборот воситалари «жонланиб» қолди... Ва бу ҳали нимжон бўлган демократик жамиятнинг асраб-авайлаш масъулиятини пайдо қилди.

Ҳозир ижтимоий тармоқлар орқали бирон бир ҳоким ёки вазири танқид қилишдан осони йўқ. Танқидий мақола ва матбуот саҳифаларини топиш ҳам душвор. Интернет сайтларида, телеканаллар ёки радиоканалларда жамиятдаги барча жараёнлар шаффоф ёритилмоқда. Таққиланган мавзу, ёқанган оладиган кўннинг ўзи йўқ...

Шу билан бирга, асоссиз, маъни ва мантқиқдан анча олис бўлган «сўз айтиш»лар ҳам етарли. Буни ўша сел оқизиб келаётган лойқа, дейишимиз ҳам мумкин.

Ижтимоий тармоқлардаги турли, баъзан асосли, баъзан асоссиз фикрларнинг ҳаммаси ҳам ҳаммамизга ёқарвермайди... Аммо булар жамиятнинг иштирокчиси бўлган фуқароларнинг бугунги дунёқараш...

Президент айнан очиқлик сиёсатига ўз муносабатини билдирар экан, жамоатчилик назоратига алоҳида тўхтади. Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати



Муносабат

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Жамоатчилик назорати шундай мезонга таянмоқда

бугун давлат идоралари фаолиятига энг ҳаққоний баҳо берадиган мезон эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

Жамоатчилик назорати деган тушунчани халқ билан бамаслаҳат иш юритиш, унинг фикрига қўлоқ тутиш синонимини ўрнида қўллашимиз ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, энди бирорта вилоят ҳокими ўз бошқарувидаги жамоанинг ёки халқнинг олдида чиқиб кўнгли тусаган, ақли етгани каби фикрни ўйламасдан айта олмайди. Энди у жамоатчиликнинг нотўғри фикр, нотўғри бошқарув ёки адолатсиз қарорни жавобсиз қолдирмаслигидан огоҳ бўлишга мажбур. Буни бир қатор ҳудуд раҳбарларининг ижтимоий тармоқларда ўз «баҳосини» олиб улгурганидан кейинги натижа дея оламиз.

Однимизда турган сиёсий жараён – парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловларда илгаригидек аравани қуруқ олиб қочиш билан овоз олмамлигига ҳар қандайин

Эътиборингизга бир неча рақамларни келтирираман: сўнги уч йилда Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари 1966 йилги зилзиладан кейин собиқ иттифоқнинг барча республикаларидан йиғилиб келиб қилинган қурилишлардан бир неча баробар кўпроқ ҳажм ва рақамга тенг бўлди! Буни ҳеч қайсимиз ҳали айтмадик.

номзоднинг ақли етпти. Ёинки, матбуот билан ишламаётган, унинг саҳифаларида билдирилаётган асосли танқидлар ва таҳлиллардан беҳабар бўлиб юриш эртанги тақдирига ҳам лоқайдлик эканини тушунмаган раҳбарнинг ҳам тобора озаётгани қувонарли.

Ижтимоий тармоқларда аёвсиз мухокамаларга сабаб бўлган ҳолатлар эса айни ижтимоий фикрнинг, жамоатчилик назоратининг кучи ва қудрати нимааларга қодир эканини яққол намоян этаётди. Мен Юртбошимизнинг ёниб, қуйиб,

дона-дона, такрор ва такрор айтган фикрларидан рост, қалбимда ифтихор туйдим. Ахир Президент очиқлик сиёсатини танлаб, бугунги аҳволимизга ойна тутди.

Аҳволимиз эса... Мақтана олмаймиз! Вазирларнинг ҳам, ҳокимларнинг ҳам, эртага сиёсий майдонда жавлон урмоқчи бўлаётган номзодларнинг ҳам салоҳияти бизни тўла қониқтира олмайпти. Бунинг сабабларини излашнинг ҳо-жати йўқ. Уларни фаҳми етган одам яхши англайди. Бу – бошқа масала. Биз кечаги эмас, бугунги ва эртанги кун дарди билан яшашни ихтиёр этдик.

Президентимиз «жамоатчилик назорати» **«бир томонлама восита»**га ай-ланиб қолмаслиги керак»лигини истапяти. Бу жуда нозик нуқта! Ҳали оммавий ахборот воситаларида бирёқламалик жуда кучли. Бирон танқидий мақола ва таҳлил қилинган, сиз уни топасиз. Биз танганинг иккинчи томонига қарамай ўргандик. Бизда, афсуски, танқид қилиш топши-лади, таҳлил қилиш эмас. Бу мезон ҳар бир матбуот наشري, интернет сайти ёки теле ва радио ижодкорнинг адолат та-момийлига айланиши лозим. Ахир, ижтимоий тармоқда кўнгли тусаган фикр, деб айтаётган одамлардан жур-налистнинг фикри баландроқ бўлиши талаб этилади.

Эътиборингизга бир неча рақамларни келтирираман: сўнги уч йилда Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари 1966 йилги зилзиладан кейин со-биқ иттифоқнинг барча республикаларидан йиғилиб келиб қилинган қурилиш-лардан бир неча баробар кўпроқ ҳажм ва рақамга тенг бўлди! Буни ҳеч қайси-миз ҳали айтмадик.

Ёки шахсан ўзим бевосита ишти-рокчи бўлган жараёндаги яна бир рақамни айтмай: 2017-2018 йилларда Президентимизнинг 2017 йил 12 сен-тябрдаги «Аҳолининг кам таъминлан-ган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида»ги қарори билан 1000 га яқин ижтимоий ночор оила ўй-жой билан

беғараз, яъни бепул таъминланди. Ҳар бир вилоятда юзлаб хонадонларнинг ўй-жойлари таъмирлаб берилди. До-ри-дармон учун юзлаб ночор бемор-ларга ёрдам пули ажратилди. Бу – бир қарор атрофидаги рақамлар! Агар ҳа-ётга адолат мезони билан қарамоқчи эканмиз, тан олиш керакки, ҳали бунақа амалиёт биронта ривожланган ва та-раққий топаётган мамлакатда кузати-лмаган, амалга оширилмаган!

Президент қарс икки қўлдан чиқи-шини, ҳаётга адолат назари билан қар-ашни тақлиф этмоқда! Шубҳа йўқки, бу адолатли тақлиф!

Нутқда яна бир эътиборли нуқта бор: Шунинг аниқ тушуниб олиш лозимки, **жа-моатчилик назорати – бу фақат-гина давлат идоралари фаоли-яти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаро-лик жамиятини тараққий топти-ришнинг муҳим омилларидан бири-дир.**

Бу ҳам адолат! Жамоатчилик назорати бир томонлама танқид ва тош отишлар-дангина иборат бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қону-ний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда таъйиқ ўтказишга йў-қўйилмайди.

Нутқнинг бу жойи менга, менинг касбдошларим, журналистларга алоҳида тегишли нуқтадир.

Президентимиз жамият билан бақамти ишлашни истапти, унинг қал-бига қўлоқ тутишни ихтиёр этмоқда, жамиятнинг пок ниятлар, ҳамжихатлик билан бошқаришни ният қилмоқда.

Келинг, шу эзгу ишларда елкадош бўлайлик. Эркин фикр айтишда, юрт рав-нақи, одамларнинг ризолиги йўлда жа-сорат, ватанпарварлик, адолат ва холис-лик каби муқаддас тушунчаларни бай-роғимизга айлантирайлик!

Ҳусан ЭРМАТОВ

Мобиль илова афзалликлари



Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайлов жараёни бошланди. Бу галги сайлов кампаниясида шаф-фолликни янада кенгроқ таъминлаш ҳамда сайлов ташкилотчилари ишини осонлаштириш мақсадида электрон ти-зим қўлланилмоқда. Айни пайтда сайлов-чиларнинг ягона электрон рўйхатида 20

миллион 516 минг 710 нафар сайловчи эълон қилинди. Ушбу тизим илк бор 2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов давомида синовдан ўтказилган. У асосида сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими шаклланти-рилди. Бу фуқароларни сайлов участка комиссияларига тақсимлаш, сайловчи-ларнинг ўзи яшаб турган жойга алоқадор


Қўлайлик

участка ҳақида маълумот олиш ҳамда округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини осон-лаштиради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бу тизимдан қандай фойдаланиш мумкин? Бунинг йўли жуда осон. Сайлов кунини сайловчилар тизим операторларига мурожаат қилади ва сайлов бюллетенини олиб, овоз бериш хонасида ўз номзодини қўллаб-қувватлайди. Натижада бир вақтнинг ўзида сайловда иштирок этганларнинг тўлиқ рўйхати автоматик тарзда тузилади. Бу бир шахснинг бир неча мартаба овоз бериши ёки бир кишининг бутун оила аъзолари учун овоз беришининг олдини олиш имко-нини яратади.

Бундан ташқари, сайловчилар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг фа-олиятини осонлаштириш ва қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида «Сайлов – 2019» мобиль иловаси ҳам ишлаб чиқилган. Унда сайловга оид қонун ҳужжатлари, сайлов комиссиялари фа-оллари ҳақида маълумотлар, сайлов-чилар, комиссия аъзолари, сиёсий пар-тиялар ва номзодлар ҳамда кузатув-чилар учун услубий тавсиялар, сайлов фаолларининг билимини оширишга доир ўқув материаллари, китоблар ва мақолалар, сайлов мавзуси бўйича са-вол-жавоблар ўрин олган. Мобиль ило-вада сайловчиларга ўз сайлов участка-сини топишида кўмаклашиш учун мах-суз хавола ҳам жойлаштирилган бўлиб, ушбу қўлайлик кўпчиликка асқотиши, шубҳасиз.

Феруза МИРЎҚТАМОВА,
ТДЮУ ўқитувчиси



Тошкент вилояти

Долзарб мавзу

«Таълим сифати – асосий вазифамиздир»

2021 йилдан Тошкент вилоятида ҳам Президент мактаблари ўз фаолиятини бошлайди. Бундан ташқари, йўл харитасига биноан 2022 йилда «Ўқитувчилар боғи» ташкил этилади.

Бу ҳақда Тошкент вило-яти ҳокимлигида вилоят халқ таълими бошқармаси ўтказ-ган матбуот анжуманида ай-тиб ўтилди.

Анжуманда Тошкент вило-яти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Нарғиз Раҳмонқуло-вани сўхбатга тортдик:

– Президент мактаблари қайси туманларда ташкил этилиши режалаштирил-моқда?

– Айни пайтда бу борада туманлардаги барча мактаб-ларни, ҳудудий жойлашувини ўрганилди. Шунинг учун ҳо-зирача буни аниқ айта ол-майман. Ҳозирча Президент мактаблари сонини илоҳи борича кўпайтириш нияти-дамыз. Шу ўринда бир нар-сани тан олиб айтишимиз ке-рак, ҳозирги кунда вилояти-миз халқ таълими борасида бошқа вилоятларга қараганда анча ортда қолиб кетган. Буни ол-ий ўқув юртиларига кирувчи ўқувчилар сонининг камли-

гида ҳам кўришимиз мум-кин. Гарчи бу оғир бўлса-да, ҳақиқат. Шунинг учун таълим сифатига ниҳоятда жиддий қарашимиз керак.

– Мактаблар таълим си-фатини ошириш учун тай-ёрми?

– Вилоятимизда айни пайтда 889 та мактаб фаолият юритаётган бўлиб, уларда 509 минг 741 нафар бола тахсил олмоқда. 889 та мактабнинг 9 таси кўмир ёрдамида иситил-моқда. 79 таси капитал таъ-мирга муҳтож. Мазкур мак-табларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам асосий муаммоларимиздан бири. Бу борада камчиликларимиз етарли, албатта.

– Ўқитувчининг мақоми ҳам муҳим масала. Унга қандай эътибор қаратил-моқда?

– Бир вақтлар ўқитувчи-ларга ҳаддан ортиқ вази-фаларни юклаб, вазифасига

қилмайдиган ишларни қил-дирганимиз рост. Айни пайт-да шундай салбий ҳолатлар-нинг олдини олиш учун ўқи-тувчиларнинг нафақат ойлик маошини оширидик, балки жамиятдаги мавқеини ҳам тикладик. Турли-туман бю-рокрatik қоғозларни тўл-диришни чекладик. Хуллас, ўқитувчини ўқувчилар билан кўпроқ ишлаши учун барча шароитларни яратяпмиз. Ле-кин ўқувчи, аввало, оилада асосий тарбияни олади. Ўқув-чиларнинг турмуш шарои-тини ўрганишимизда баъзи-ларининг носоғлом оилада тарбия топаётганининг гу-воҳи бўлдик. Бу билан бизда айб йўқ, демоқчи эмасман. Таълим-тарбияда суст кет-ган жойларимиз бор, албатта. Масалан, ота-онани маж-лиса чақирсангиз, келмай-ди-ю, боласини койсангиз дарҳол етиб келади. Ахир, ҳеч бир муаллим болани ёмон бўл, деб коймайди. Қарс икки қўлдан чиқади. Шу боис, бу борада ота-оналар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак.

Сўхбатдош:
Ғулномжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Рақамлар... Бир қарашда улар қуруқ сонлар йиғиндисидек туюлади. Аслида эса уларда жон бор! Таъбир жоиз бўлса, рақамлар сўзлайди – уларда жуда катта ҳодисалар, натижалар ўз аксини топган. Бугина эмас. Сонлар ортида жамият ва инсонлар тақдири, орзу-умидлари, машаққатли меҳнат, фидойилик, қатъий сиёсий ирода, узоқни кўзлаган оқилона сиёсат мужассам. Бундай таърифларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Қуйида келтирилган рақам ва хабарларда тараққиёт, юксалиш бўй кўрсатган. Айримлар бунни сезмайди, залворини ҳис этмайди. Бошқа биров уларга эътиборсиз муносабатда бўлади. Яна кимдир эса улардан фахрланади, янги мақсад ва режаларнинг мустаҳкам асосини кўради. Шу маънода улар янги даврнинг мухтасар маълумотномасидир. Мазкур маълумотларни синчиклаб ўқиган киши Ватан истиқболи учун амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини янада теранроқ англаши шубҳасиз. Зеро, улар ёрдамида беихтиёр бугунни кеча билан солиштирасиз. Кўз олдингизда ўтмиш, бугун ва келажак жонланади. Шунда «Биз ўзгаримиз, жамият ўзгарибди, Ўзбекистон ўзгарибди», деган хулосага келасиз.



Ўзбекистонни



Ободлик ва бунёдкорлик шижоати

Халқ кўнглига йўл

МУЛОҚОТНИНГ НОЁБ ТИЗИМИ

Жаҳон амалиётида ноёб тажриба — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари жорий этилди.

ТУГАГАН УЙ ҲАҚИДА

Аҳолини муносиб турар жой билан таъминлаш мақсадида охириги уч йилда 104 мингта, жумладан, қишлоқларда 63 мингта ва шаҳарларда 41 мингта хонадонга мўлжалланган арзон уй-жойлар фойдаланишга топширилди.



ҲАЁТБАХШ ДАСТУР АСОСИДА

Сўнги икки йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида республиканинг 159 та туман, 30 та шаҳар ва Тошкент шаҳрининг 11 туманидаги 1116 та қишлоқ ва маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.



ЎЗАЛ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Пойтахтимизда шаҳарсозлик санъатининг энг сўнги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнерлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам эътибор билан, майдони 80 гектардан иборат «Тошкент-Сити» маркази бунёд этилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу «ақлли шаҳар» инвесторлар маблағи ҳисобидан барпо этилаётган.

МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ОДИЛЛИК

Мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилди.

ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ ИНҚИЛОБ

Нақд пул муаммосига чек қўйилди. Валюта конвертацияси эркинлаштирилди. Банклардан кредит олиш тартиби соддалаштирилди.

ЭРКИН ВА ШАФФОФ ЖАМИЯТ

Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги, муҳим ҳукумат қарорлари қабул қилинишидаги роли ошди.

БАРЧАНИНГ ДИЛИДАГИ ИШЛАР

Сўнги икки йилда ижтимоий нафақа оладиганлар сони 1,3 бараварга, нафақа миқдори 2 бараварга оширилди, ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий қилинди.

ЧАРОҒОН ҲАЁТ

Аҳолини узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Бунинг учун қўшни давлатлар билан манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

СОЛИҚ ЮКИ ЕНГИЛЛАШДИ

Ўтган уч йилда кенг қўламли солиқ ислохотлари амалга оширилди. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкининг камайирилиши ишбилармонлик учун янги имкониятлар эшигини очди.



МЕТРО – МЕГОПОЛИС КЎЗГУСИ

Тошкент мегаполисида илгари кимгадир маъқул бўлмайдиган ёпиб қўйилган кўчалар очилди, йўл, ҳаракат тўсиқлари олиб ташланди, Марказий Осиёда шаҳар транспорт ҳаракатининг янги тури – ер усти метроси қурилишига киришилди. Бугунги кунда Тошкент метрополитенидан кунига 240 минг нафар йўловчи фойдаланади. 21 километрдан иборат учта янги – Юнусобод, Сергели ва Қўйлик йўналишлари қурилиши натижасида яна 150 минг нафардан зиёд киши метро хизматидан баҳраманд бўлади.

АСРНИ ҚАРИТГАН МУАММОГА ОҚИЛОНА ЕЧИМ

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди тузилди. Президентини хузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Денгизнинг қуриган тубида муҳофаза ўрмонзорлари, Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари барпо этилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 42 йил давомида ҳаммаси бўлиб, 400 минг гектар майдонга саксовул экилган бўлса, 2018-2019 йиллардаги қиш-баҳор мавсумида қарийб 500 минг гектарда муҳофаза ўрмонзорлари барпо этилган. Айни вақтда мазкур ишларнинг иккинчи мавсуми қизғин давом эттирилмоқда. 2019-2020 йилларда денгизнинг қуриган майдонига, яъни Возрождение ва Ақпеткей худудларидаги 700 минг гектар майдонда «яшил қоплама» – химоя ўрмонзорлари барпо қилиш учун чўл ўсимликларини экиш белгиланган.



МЎЙНОҚҚА ҲАЁТ ҚАЙТМОҚДА

Мўйноқни иқтисодий ривожлантириш, Орол фожиасидан азият чеккан худуд аҳолиси ҳаётини яхшилаш мақсадида кейинги йилларда бу ерда улкан ишлар бажарилди. Ҳукуматнинг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури қабул қилинди. Унда 2019-2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қуриш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш назарда тутилган. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида қисқа вақтда қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, туман марказида 800 ўринли амфитеатр, давлат хизматлари маркази, мусиқа ва санъат мактаби, спорт зали, ёпиқ бассейн қурилди, маданият маркази ва стадион, «Бозатау» овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника реконструкция қилинди. Тикувчилик корхонаси, «Мўйноқ аква санаот» корхонаси қурилди. Туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 101 километр сув тармоғи фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг саккизи ойида 8 та боғча, 7 та мактаб, 4 та спорт иншооти, 6 та тиббиёт муассасаси ва 8 та маданият объекти қурилди ва таъмирланди. Бундан ташқари, 20 та кўп қаватли уй-жой барпо этилмоқда.

Адолат тантаналари

УЗОҚ КУТИЛГАН КУНЛАР

Кейинги уч йилда 1 минг 705 нафар инсон суд ҳукми билан оқланди. 1991 йилдан 2016 йилгача 1 нафар инсон оқланган бўлиб, оқлов ҳукми суд амалиётида умуман бўлмаган.



ЁПИЛГАН «ЖАСЛИҚ»

Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслиқ кўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ифодаси бўлди.

БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Сўнги 3 йилда 4 минг нафардан зиёд шахс афв этилди.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Жорий йилда амалга оширилган «Меҳр-1» ва «Меҳр-2» инсонпарварлик тадбирлари доирасида хориждаги қуролли моjarолар худудидан 261 нафар фуқаро, асосан, болалар ва аёллар юртимизга қайтариб олиб келинди.




ФУҚАРОЛИК БАХТИ

Кейинги 3 йилда 9 минг 692 нафар юрдошимиз Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.



Ўзгартирган уч йил



МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюциянинг қабул қилиниши 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди.



Қайта кашф этилаётган диёр

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАС

Кейинги уч йилда Ўзбекистон қўшни давлатлар чегараларидаги олтишга яқин ўтиш пунктларининг тўлақонли фаолиятини таъминлаб, визаларни бекор қилди. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келди қилиши учун барча шароит яратилди.



ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 марта ўсди.



МЕҲМОНИ КЎПАЯЁТГАН ЮРТ

Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистонга 6,3 миллион нафар хорижлик сайёҳ келган. Ҳолбуки, 2016 йилда бу кўрсаткич 1,3 миллионни ташкил этган эди. Маълумотларга қўра, бу соҳада ҳар йили икки баробарга ўсиш кузатишмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАСИ

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида, Ўзбекистон Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш – 2020» ҳисоботида 7 поғонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда сақизинчи ўринга кўтарилди.

Келажаkning тамал тоши

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистонда дунё тажрибасида биринчи марта мактабга таълим вазирлиги ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритадиган боғчалар ташкил этилди. Мобиль гуруҳлар базасида эса мактабга таълим хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.



УСТОЗЛАР ЭҲТИРОМДА

Сўнгги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилган. Ҳолбуки, 2010-2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпилган эди.

Юртимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди.

Охириги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди.

Буюк аждодларимиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган табиий ва ижод мактаблари, «Темурбеклар мактаблари», Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари ташкил этилди.



ИСТИҚБОЛГА САРМОЯ

«30 июнь – Ёшлар куни» сифатида белгиланди. «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури ҳам қабул қилинди. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 2018-2019 йилларда давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм йўналтирилди.



ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ҚАМРОВ КЕНГАЙМОҚДА

Кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони 112 тага етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиалларидир. Қабул квоталари бекор қилинди Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил ичида бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди.



ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ

Кейинги уч йил давомида 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ ва 178 та шаҳар оилавий поликлиникаларида аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, ижтимоий дорихоналар, кун-у тун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди ҳамда 5 та тор соҳа мутахассисларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Жисмоний шахслар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан 1666 тага етказилди ва улар аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқинлаштирилди. Автотранспорт паркинни янгилаш учун 1500 дан ортқ «Тез ёрдам» машиналари харид қилинди.

Миллий ўзликни англаш

ЭЛ БАЙРАМИ

21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбеки тили байрами куни» деб белгиланди.

ТИЛИМИЗ ТАРАҚҚИЙ ЭТАДИ

Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти иш бошлади.

ҲАР СЎЗИДА МАЪНО МУЖАССАМ

Янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга солидиган Атамалар комиссияси тузилмоқда.



ДУНЁНИ ЛОЛ ЭТГАН САНЪАТ

Ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилмоқда.

АСРЛАР САДОСИ

Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро бахиччилик санъати фестивали ташкил этилади.

ҚАДРИЯТЛАР КЎЗГУСИ

Икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказиладиган бўлди.

МАЪРИФИЙ МЕРОСГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Ислоҳ цивилизацияси марказига асос солинди. Ушбу муассаса халқимизнинг бой ўтмишини, илм-маърифат ривожига қўшган катта ҳиссасини намоён этадиган яхлит мажмуа бўлади.



УЛКАН МАЪНАВИЙ АСОС

Буюк муҳаддис Имом Бухорий номи билан аталувчи халқаро илмий-тадқиқот маркази бунёд этилди. Халқаро эътирофларда қайд этилганидек, ушбу марказ бутун дунё муслмон олами учун улкан маънавий ва маърифий асос вазифасини ўтайди.

Қашқадарё вилояти

Агроекономика мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Илҳом Сабдаров тажрибали, кенг мушоҳадали киши. У ҳар бир иш кунидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.



Фаоллар фаолияти

Сабдаровнинг бир куни...

Унинг саъй-ҳаракати иш тарғибот-ташвиқот виллари натижасида бугун «Ғузортексимпекс» МЧЖ ҳамда ушбу кластер корхонасига қарашли пахта тозалаш заводида касба уюшма ташкилоти тузилди. Бундан буён аъзоликка олиш бўйича оптималлашган фермер хўжаликлар раҳбарлари билан ишлашга тўғри келади. Уларнинг сонини ошириш зарур. Шундан келиб чиқиб агроекономика мажмуи ходимлари туман кенгаши раисларига зарур тавсиялар берди.

Тармоқ тизимидаги «Ешлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳидан йўланмалар бўйича қарздорлик 15 миллион сўмга камайтирилган бўлса-да, ўртадаги тафовут ҳали барҳам топгани йўқ. Шу боис, қарз бор бошланғич ташкилотлар етакчилари билан музокара ўтказди.

Шундан сўнг 2020 йил ғалла ҳосили учун иш ҳақига ажратилган кредит маблағларидан аъзолик бадалларининг тушумини таҳлил қилди...

Эшик тақиллаб, Нишон туманидаги «Ҳақназаров Хумоюн» ва «Турсунов Зайниддин» фермер хўжаликлар раҳбарлари Камолитдин Ҳаққулов ва Одил Қулмуродов киришга изн сўради. Салом-алиқдан сўнг, фермерлар мақсадга ўтишди.

режасини ошириб бажардик. Ишларимиз бироз саранжом топди. Энди бирор сиҳатгоҳда имтиёзли дам олиш имкони борми?

Илҳом ака уларни меҳнат муваффақияти билан қутлаб, санаторий йўланмаларини ажратиди. Тўловлари тўғрисида муфассал тушунча берди. Тармоқ касба уюшмаси Нишон тумани кенгаши раисига кўнгирок қилиб, фермерларга «Ботаника» санаторийига йўланма ажратишни тавсия этди.

Фермерларни кузатиб кўйгач, «Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ходими Худойназар Азимовнинг аризасини ўрганиш ишини охирига етказиб кўйишга жазм этди. Корхонада фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган аризада 2016-2017 йилларда фойдаланилмаган меҳнат таътиллари пулини олишда ёрдам сўрагани. Бу бўйича «Қамаши пахта тозалаш» АЖ бош директори номига тақдимнома жўнатди...

Сабдаров ходимларнинг вакили сифатида тез-тез иш берувчилар қабулида бўлиб турарди. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Фанишер Ҳайдаров билан пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерларида шартнома асосида ишлаётган ходимларнинг

иш ҳақи, дам олиши, меҳнат муносабатларига оид масалаларни муҳокама қилди.

Илҳом ака ушбу бинода жойлашган «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи қабулида ҳам бўлди. Сўхбатда соҳа ходимлари ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш асосий вазифалардан бири экани, бунда жамоа шартномаларининг ўрни муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Аъзолик бадаллари тушуми бўйича қилинган ишлар таҳлил қилинди.

Ишонасига қайтганида атрофни қоронғулик чулғамқоқда эди. Компьютерини ёқиб, тармоқ корхоналарида иш ҳақидан қарздорлик юзасидан жўнатилган маълумотларни жамлаб, уларни тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашига юборди.

Бу Илҳом Сабдаровнинг бир иш кунини... Унинг фаолияти ана шундай ўтмоқда: тиғиз. Барча саъй-ҳаракатларнинг ортда инсон манфаати, инсон омили тургани эса кўнглига чироқ ёқиб, уни эзгу мақсадлар тантанаси сари олға чорлайди.



Акmal Абдиев, «Ishonch»

Хоразм вилояти

Иштиёққа ундаётган эътибор ёхуд Жамоа шартномасининг аҳамияти хусусида

«Кўнгирот» минтақавий темирйўл узели Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси корхонаси поездлар ҳаракатини автоматик бошқариш, радио алоқа, симли алоқа сифатига масъул. Бунини 241 нафар ходимдан иборат жамоамиз чуқур ҳис қилади. Натижа ҳам шунга яраша. Раҳбарият ва бошланғич касба уюшма кўмитаси ўзaro ижтимоий шериклик асосида ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш чораларини кўриб келаятгани эса ўзига хос рағбат вазифасини ўтамоқда.



Ишчи-ходимларнинг ўй-ташвишлари, муаммоларини ўрганиш мақсадида мутасаддилар ва касба уюшма фаоллари корхона участкаларида мунтазам сайёр қабуллар ўтказиб, аниқланган муаммолар юзасидан амалий ёрдам кўрсатмоқда. Йилнинг ўтган даврида ходимларнинг 197 нафари корхона, 66 нафари касба уюшмаси ҳисобидан моддий қўллаб-қувватланди.

Узоқ йиллар корхонада самарали фаолият кўрсатиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 75 нафар пенсионер ҳолдан мунтазам хабар олиб тураемиз. Уларнинг икки нафари фахрий темирйўлчи бўлиб, ҳар ой энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорда рағбатлантирилади. Жамоа шартномаси асосида барча пенсионерларга йилда бир марта бадал берилди. 56 нафар опа-сингилларимиз учун алоҳида имтиёзлар белгиланган. Улардан уч нафари

ёшга тўлмаган фарзанди учун нафақа тўланади. Ёш фарзандлари бор аёлларга иш вақтлари қонун доирасида қисқартирилган. 5 нафар ходимимизнинг имтиёзли кредит асосида уй-жойга эга бўлишида ҳам касба уюшмасининг ҳиссаси бор.

Ишчи-ходимлар ва оила аъзоларини соғломлаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида ҳам амалий натижаларга эришилмоқда. Ёз мавсумида 18 нафар ишчи-ходимнинг фарзандлари учун Тошкент вилоятидаги болалар оромгоҳларига имтиёзли ва бепул йўланмалар ажратилди. Сақиз нафар ишчи-ходимимиз ва тўрт нафар пенсионер бепул йўланмалар асосида санаторийларда соғлиқларини

тиклади. Корхона цехлари ўртасида тез-тез спорт мусобақалари уюштирилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантириб келинмоқда.

Ижтимоий шериклик тамойилларига биноан иш берувчи ва касба уюшмаси масъулиятини янада оширишга жиддий эътибор берган ҳолда жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид бандлари тўлақонли бажарилишига эришилмоқда. 18 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш вакили иштирокида корхона бўлимларида уч босқичли маъмурий-жамоатчилик назорати йўлга қўйилгани шароитлар яхшиланишига хизмат қилаётди.

Мухими, жамоа шартномаси ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш орқали темирйўл транспортининг барқарор ишлашига хизмат қилаётгани барчани янада иштиёқ билан ишлашга ундамоқда.

Маҳмуд САТИМОВ, Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси корхонаси бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси

Фарғона вилояти

QISHLOQQURILISHBANK

Инновацион фаолият ва инвестицион салоҳият



Акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» журналистлар учун Фарғона вилоятига пресс-тур уюштирди. Унда 20 га қин оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Вилоятда айни вақтда банкнинг Фарғона минтақавий филиали, Қўқон, Марғилон, Кува филиаллари мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Пресс-тур доирасида журналистларга вилоятдаги банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида маълумот берилди. Унда хизматлар кўлами ва банк мижозлари сони муттасил кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Иштирокчилар Фарғона вилоятида банк молиявий кўмағида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан танишдилар.

ЭКСПОРТ ПОЙДЕВОРИ

Дастлабки манзил Кувабой шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган «AGRO SERVICE ASIA» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона бўлди. Банкнинг мазкур мижози музлатгич омборхонаси фаолиятини йўлга қўйиш ва иссиқхона қуриш лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 4,6 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 2,6 млн. АҚШ доллари «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан йўналтирилган. Банк сармосия ҳисобига замонавий иссиқхона барпо этилмоқда. Ташкил қилинган музлатгич омборхонасида йилга 1 млрд. 800 млн. сўмлик даромад олиш, иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотларни эса Россия Федерациясига экспорт қилиш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида жами 60 та доимий ва 150 та мавсумий иш ўрни яратилади.



ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ КОРХОНА

Журналистлар Тошлоқ туманидаги «Vodiy Zamin Plast» МЧЖ фаолияти билан танишдилар. Корхонанинг пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси учун банк томонидан 150 минг АҚШ доллари миқдорда сармоя ажратилган. Бу маблағга замонавий пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари олиб келиб ўрнатилган. Корхона йилига 1 млрд. 500 млн. сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирган. Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар журналистларда катта қизиқиш уйғотди.



ИССИҚХОНАДАН «ИССИҚ» ДАРОМАД

Данғара туманидаги «Urojay Vostoka» МЧЖнинг иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишув иштирокчилар учун қизиқарли кечди. Мазкур лойиҳа қиймати 44 млрд. сўм бўлиб, «Қишлоқ қурилиш банк» филиали томонидан 4 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилган. Корхона йил давомида 6 млрд. сўмлик маҳсулот етиштиришни ва хорижга экспорт қилишни режалаштирган. Энг муҳими, лойиҳа орқали 70 та доимий иш ўрни яратилади.



ФИЛИАЛ ЯНГИ БИНОДА

Пресс-тур иштирокчилари «Қишлоқ қурилиш банк» Қўқон филиали янги биносининг очилиш маросимида ҳам иштирок этди. Филиал замонавий банк технологиялари билан жиҳозланган. 24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам қурилган. Журналистлар Қўқон филиалида мижозлар учун яратилган қулайликлар билан танишдилар ва мижозлар билан сўхбатлашдилар. Бундай пресс-турларни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.

Реклама ҳуқуқи асосида



АРЗОН, АММО ТЕЖАМКОР УЙЛАР

Жорий йилда Фарғона вилоятида 230 та уй-жой қурилиши «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштирилмоқда. Қурилаётган уй-жойларнинг 204 таси энергия тежамкор уйлар ҳисобланади. Бундай уйларда ишлатиладиган барча энергия тежовчи ечимлардан фойдаланишдан ташқари ёруғлик эҳтиёжларини энергия билан таъминлаш учун фотоэлектрик кўёш панеллари ўрнатилмоқда. Энг муҳими, бу ускуналар ўрнатилиши билан боғлиқ харажатлар «Қишлоқ қурилиш банк» ҳамкорлари томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобидан қопланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари Олтириқ тумани «Қапчұғай» массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган арзон ва энергия тежамкор уй-жойларга ташриф буюриб, хонадон соҳиблари билан сўхбатлашдилар.

Қўқон ВЕЛОСИПЕДЛАРИ

«Қўқон иқтисодий зонаси» ҳудудида фаолият юритаётган «GLORIOUS BUSINESS» МЧЖнинг велосипед ва унинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш лойиҳаси журналистларда катта қизиқишга сабаб бўлди. Лойиҳа учун 300 млн. сўм миқдорда банк кредити йўналтирилган. Натижада 50 та доимий иш ўрни ташкил қилинган.



Хизматлар лицензияланган.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ахборот хизмати

Наманган вилояти

Водий – юртимизнинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудуди. Шу боис, электр энергиясига бўлган талаб ҳам бошқа жойларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Айнан шунга кўра, энергияга бўлган танқисликни бартараф этиш ҳамда ёнлиги ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Наманган вилоятида Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қад ростлади.



Ислохот одимлари
ЧАРОҒОН ҲАЁТ
ЙЎЛИДА

900 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу станциянинг ишга туширилган биринчи буғ-газ қурилмасидан ҳозирда тармоқларга 450 МВт электр энергияси юборилмоқда. Станциянинг иккинчи йирик буғ-газ қурилмаси эса шу йилнинг декабрь ойи охирида фойдаланишга топширилади.

Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясининг бошқа иссиқлик станцияларидан афзаллиги шундаки, корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланганлиги сабабли тўлиқ автоматлаштирилган, – дейди корхона бош муҳандиси Нодир Насибалиев. – Бу ерда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг таннарихи бир мунча арзонлиги ҳам эътиборга молиқдир.

Корхона бош муҳандисининг таъкидлашича, ушбу станцияда 1 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун унча кўп бўлмаган шартли ёқилги сарфлангани сабабли йилига 730 млн. м³ табиий газ тежаб қолинади.

300 нафарга яқин ходим иш билан таъминланган станцияда йўл ва коммуникация тармоқлари барпо этилган бўлиб, меҳнат муҳофазаси алоҳида эътиборга олинган ҳамда улар қишки ва ёғги махсус кийим-бош билан тўлиқ таъминланган.

Орузғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ЖИЛОЛАРИ

Марказий Осиёда ягона саналадиган «Ультрамарин»
бўёқлари заводи фаолияти билан танишув

Жиззах шаҳридаги «Sofitel» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига 2018 йилда асос солинган. Унинг лойиҳа қиймати 10,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, йилига 10 минг тонна ўта ноб саналган металл ва матоларга ранг берувчи «Ультрамарин» бўёқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонага Хитойнинг «Zhongtian Shandong» кимёвий бўёқлари компаниясининг 1,6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри инвестицияси, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 6,5 миллион долларлик кредити, тадбиркорнинг 2 миллион доллар ҳажмидаги маблағи йўналтирилган. Ишлаб чиқариш цехлари Хитойнинг энг сўнгги русумдаги технологиялари билан жиҳозланди. Шу йилнинг октябрь ойида корхонанинг биринчи навбати ишга туширилди ва бу йилига 4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратди.



Ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланилаётгани маҳсулот таннариhini арзонлаштириш имконини бераётди. Қўшма корхонанинг ишга туширилиши 154 нафар ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконини берди. Заводнинг иккинчи навбатини қуриб, ишга тушириш 2020-2022 йилларга мўлжалланган. Ана шунда маҳсулот ишлаб



чиқариш ҳажми ҳам, иш ўринлари ҳам ҳозиргига нисбатан 1,5 баробарга ортади.

– Ниҳоят, менга ўхшаган уй бекалари ҳам замонавий sanoat корхонасидан меҳнат қилиш имкониятига эга бўлди, – дейди **тайёрлов цехи раҳбари Нилуфар Жўраева**. – Ишчиларимизнинг аксарияти шу пайтгача бирор ерда ишламаган хотин-қизлар. Шунга қарамай қисқа фурсатда хитойлик мутахассислардан буюқ ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб олдик. Қолаверса, унумли меҳнат қилишимиз, маорроқли ҳордик чиқаришимиз учун барча қулайликлар яратилган.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг юз фоизи экспорт қилиниши кўзда тутилган.

– Заводимиз МДХда иккинчи, Марказий Осиёда ягона саналади, – дейди **корхона бош директорининг бошқарув бўйича ўринбосари Одил Пўлатов**. – Тасодифан бу лойиҳага қўл урганимиз йўқ. Бу кўп йиллик изланишларимиз натижаси. Асосан, маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган маҳсулотимизга жаҳон бозорида талаб юқори. Шунга қарамай, ишлаб чиқариш қувватини босқичма-босқич ошириш тадбирларини белгиланганмиз. 2022 йилга бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10 минг тоннага етказилади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Ishonch»

Реклама ва эълонлар

Халқ банки ўз мижозларига юқори хавфсизлик тизимига эга замонавий ва қулай

«Кобейдж» пластик карталарини таклиф қилади.

Дунёнинг **170 дан** ортик давлатларида ушбу картадан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, мазкур карта орқали интернет дўконларидан харидларни амалга ошириш, мехмонхона, авиачипта ва бошқа хизматларни брон қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Халқ банкдан байрам тўғриси

Ушбу картага ойлик иш ҳақи ҳамда исталганча миллий валютадаги маблағларни қирим қилиш мумкин.

Хорижий валютадаги бошқа карталарни очиш зарурати ҳам йўқ.

Чунки ушбу картадан хорижий давлатда тўловни амалга ошириш ва банктоматлардан нақд валюта маблағини ечиш мумкин.

Бунда картадаги маблағингиз автоматик тарзда чет эл валютасига конвертация қилинади.

78-120-17-86, 78-120-17-87
www.xb.uz

Халқ банкнинг «Режали тўлов» картаси

орқали савдо дўконларидан истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олишингиз мумкин.

Қарз маблағлари мутлақо фойсиз ажратилади ҳамда уни 12 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади.

Қуйида ҳамкор ташкилотларимиз

- «Texnomart»
- «RoisonElectronics»
- «Mediapark»
- «Schetchik»
- «Shinavanda - Savdo»
- «Urgut Mebel Gold»
- «Tantana Fayz»
- «Trendy trade»
- «Yangi asr - Meros»
- «Idea Concept group»
- «Smart Motion»
- «Art Invention»
- «Xorazm Exclusive Savdo»

(71) 200-00-55
WWW.XB.UZ

Халқ банкдан байрам тўғриси

«REJALI TO'LOV» kartasi

Очиқ аукцион савдосига «Аҳмад ал-Фароний дам олиш шартномаси билан олиш шартномаси тўлов мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини закат келишув шартномасига асосан «FERGANA TORG INVEST» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: ХАБ «Траст-банк» Фарғона филиали, х/р: 2020800030060280001, МФО:01123, СТИР: 303876901) тўлашлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Фаробий кўчаси, 11/17-уй. **Тел:** +99897-214-19-94.

Гувоҳнома № 1894.

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти Бухоро филиали мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига «BUXORO NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI» масъулияти чекланган жамиятининг 05.12.2019 йилдаги 29-08/5192-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги куйидаги автотранспорт воситалари 20% (фоиз)га арзонлаштирилган ҳолда такроран кўйилмоқда:

1-ЛОТ: 2007 йилда и/ч, «ГБАСНГ ПА3-32054» русумли, д/р 80/833 FAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 969 951 сўм;

2-ЛОТ: 2007 йилда и/ч, «ГБАСНГ ПА3-32054» русумли, д/р 80/855 FAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 113 854 сўм.

3-ЛОТ: 2007 йилда и/ч, «Ўзотайўл М50,12» русумли, д/р 80/885 FAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 19 793 480 сўм;

4-ЛОТ: 2007 йилда и/ч, «Ўзотайўл М50,12» русумли, д/р 80/779 FAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 278 480 сўм;

5-ЛОТ: 2007 йилда и/ч, «Ўзотайўл М50,12» русумли, д/р 80/866 FAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 898 400 сўм;

6-ЛОТ: 2004 йилда и/ч, «УАЗ-31519-05-101» русумли, д/р 80/025 НАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 128 535 сўм;

7-ЛОТ: 2004 йилда и/ч, «УАЗ-31517-095» русумли, д/р 80/026 НАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 908 535 сўм.

8-ЛОТ: 1992 йилда и/ч, «GPP70HC русумли» д/р 80/BA 815 бўлган автоюклагич. Бошланғич баҳоси – 17 065 695 сўм;

9-ЛОТ: 1993 йилда и/ч, «ГАЗ-3307» русумли, д/р 80/327 ЕАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 667 200 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 30 декабрь кунини соат 11:00да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида ташкил қилинади.

Гувоҳнома № 576174

Очиқ аукцион савдосига Бўка тумани ҳокимлигининг 10.18.2019 йилдаги №9/4-596-сонли тошириғига асосан Бўка тумани, Й.Хожиметов номли фермерлар уюшмаси ҳудудида фаолият юритаётган «Агроригат Люкс Бизнес» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган, қишлоқ хўжалиги харитасининг 623к-контурида жойлашган жами 3,61 гектар, шундан 3,48 гектар ер майдонидаги «Бозор» кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 6 928 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2020 йил 13 январь кунини соат 11:00да Тошкент вилояти, Бўка тумани

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдо 2020 йилнинг 27 январь, 10 февраль кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истигани билдирган шахслар «Заказат пули тўғрисида» келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (х/р: 20208000804876496001, банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим. Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 9:00дан 16:00гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиёта кўчаси 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни www.realtorg.uz ёки (78) 170-78-13 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

«FERGANA TORG INVEST» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига «Аҳмад ал-Фароний дам олиш шартномаси билан олиш шартномаси тўлов мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини закат келишув шартномасига асосан «FERGANA TORG INVEST» МЧЖнинг ҳисоб-рақамига (банк: ХАБ «Траст-банк» Фарғона филиали, х/р: 2020800030060280001, МФО:01123, СТИР: 303876901) тўлашлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Фаробий кўчаси, 11/17-уй. **Тел:** +99897-214-19-94.

Гувоҳнома № 1894.

Мирзо Улугбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 27 май кунини №007671-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «ABSTERGO» (СТИР: 302663448) МЧЖ устав фонди 284 061 985 сўм 33 тийиндан 260 453 сўм 07 тийинга камайтирилганини маълум қилади.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, «Низобшо» ҚФЙ, Муқимий кўчасида жойлашган нотузаррой биноси учун Маҳкамова Лола Абдуманоловна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ва касаба уюшма кўмитаси «Инглиз тили назарий аспекти» кафедраси доценти Жуманазар Матёқубовнинг Иброҳим МАТЁҚУБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Миллат қалбини жо Этган санъат

Очиқбек Матжонов хонанда, созанда, бастакор, бахши ва шоир. Дилтортар кўшиқларимизнинг моҳир ижрочиси, мақом билимдони сифатида халқимизнинг меҳрини қозонган. Мумтоз йўналишдаги «Ёрима айтинг», «Борми, ёронлар», «Бир муносиб ёр гаракдир», «Нори бўлмаса» каби, шунингдек, «Гул ифори», «Ичан қалъа» ялла ашулалари мухлислар қалбидан жой олган. Ҳофиз билан суҳбатимиз у ҳаётини бахш этган мақом санъати ҳақида бўлди.

— Мақом... Миллат тараққиётида ушбу санъат қандай аҳамиятга эга?
— Луғатларда «мақом» сўзининг 20 дан зиёд маънолари келтирилган: ўрин, жой, даража, мартаба, мансаб... Мана, ҳозир сиз билан суҳбатлашиб ўтирган чоғимиз кўёш уфқ мақомига келди. Муסיқада асосан парда маъносига ишлатилади. Сабаби, мақомлар маълум пардада айтади, авжи, тушуми бор. Ҳар бирини ўз ўрнида қўллаш жоиз.

Мақомлар миллат руҳиятини юксалтирувчи, ўзлгимизни англашувчи, ҳақ сари бошловчи санъат дурдоналаридир. Ёшлар тарбиясида ундан самарали фойдаланишимиз керак.

— Кейинги йилларда мақом санъатини ривожлантириш давлат эътиборида. Президент қарори ҳам қабул қилинди. Қатор фестиваллар ўтказилмоқда. Бироқ, негадир, ҳали ҳам мақомга бўлган муносибада қандайдир кемтиклик бордек. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?
— Аввало, давлат раҳбаримизга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Сабаби, мақом ва халқ ўртасида улкан жарлик юзага келган ва у тобора чуқурлашаётган, мутасаддилар, санъаткорлар бунга эътиборсизлик қилаётган бир паллада мақом санъати қаддини ростлаш ва уни ривожлантиришга доир махсус ҳужжатга имзо чекди. Кейинги йилларда ўтказилган фестиваллар, танловлар мақом санъатига қайта ҳаёт бахш этди. Президент ўз ваколати доирасидаги барча чораларни кўрди, қолганини биз амалга оширишимиз керак.

Мана мен махсус мактабда ўқувчиларга сабоқ бераман. Шогирдларимга мақомнинг улғуворлиги ҳақида ваъз ўқийман, ўргатаман. Мактабимизда мен каби 22 нафар ўқитувчи мақом, анъанавий ижродан сабоқ беради. Аммо биз синфда ўқувчиларга берган маълумотлар билан синфдан ташқаридаги ҳолат ўртасида кескин тафовут бор. Ташқарида уларни бошқа дунё кутиб турибди. Ҳар кунги юзлаб муסיқалар жаранглаётган паллада ёшларнинг булардан қай бири асл санъат эканини ажратиб олиши осон эмас.

Шу боис, мақомни халқ шуурига сингдиришда узлуксизлик бўлиши шарт. Мақом миллатнинг қалби саналади. Ундан узоқлашиш қалбдан йироқлашиш, ўзликдан узоқлашишдир. Буни англайдиган пайтимиз аллақачон келди. Эътибор қилган бўлсангиз, мумтоз наволаримиз телевизорда фақат эрта саҳарда янрайди. Бу пайтда ёшлар ухлаб ётган бўлади. Мақомлар фақат кексалар учун деган қарашдан воз кечиш керак.

Муסיқа илми ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонлардан бири Нажмиддин Кавкабий «Муסיқа буюк илоҳий кучдир ва у инсонлар орасида айрим инсонларга хосдир» деган экан. Бунда мақом куйловчилар эмас, айнан эшитувчилар назарда тутилган. Демак, мақом тинглаш, тушуниш учун ҳам инсонга савия, муסיқий дид зарур.

Мақом тинглашмайди, деб қўл қоғуштириб ўтирмаслигимиз керак. Бироқ, биз имкониятни тўлиқ сафарбар қилмаёلمиз. Мақом тарғиботида етарли эътибор бермаяпмиз. Мақомни тарғиб қилиш давлатнинг эмас, аввало, биз санъаткорларнинг вазифасидир.

— Мақом барчанинг юрагига етиб бориши учун нималар қилиш керак?

— Биринчидан, концерт дастурларини кўпайтириш зарур. Мақомнинг умрбоқийлигини таъминлаш учун маданият уйларида, мактабларда, олий таълим даргоҳларида бепул концертлар уюштириб туриш мақсадга мувофиқ. Бугун ёшлар кўпроқ интернетга қизиқади. Интернет тармоқларига кўпроқ мақомларни жойлаш зарур. Ҳозирда ушбу тармоқларда жойлаштирилган муסיқалар орасида мақомларимиз салмоғи жуда кам.

— Мухлисларингиз учун санъатга қандай кириб келганингиз, бугунги

ютуқларга қандай эришганингиз қизиқ, албатта.

— Оилада учинчи фарзандман. Мен туғилгач, гилам фабрикасида ишлаб келган онам ишдан бўшаган. Хивадаги 121-кўзи оғизлар мактаб-интернатида таҳсил олдим. Онам мени мактабга, дарслардан сўнг муסיқа мактабига олиб борарди. Машҳур Бола бахшининг кенжа шогирдлариданман. Кейинчалик Бола бахшининг ўғли Матёқуб Абдуллаев қўлида 1989 йилда Хивада ташкил қилинган дostonчилик мактабида таълим олдим. Мактабни тамомлаб, Ҳарратов номидаги Урганч муסיқа билим юртида ўқидим. Бу ерда ҳам устоздан омадим чопди. Мадраҳим Ёқубов қўлида тарбияландим. Консерваторияда эса Қувондиқ Искандаровга шогирд бўлдим. У киши оламдан ўтгач, Маҳмуджон Тожибоевдан тарбия олдим. Жўрабек Набиев ва бошқа устозлардан ўрганишга ҳаракат қилдим. Умумак, бу кунларга етишимда кўплаб устозларимнинг хизмати бор. Отабой Холлиев, Матназар Худойназаров, Фарҳод Давлетов, Азамат Отажонов...

Комилжон устоз «Мендан олдин ким келса, гўзал санъат ичига, барчасини пеш тутдим, бўлди холироҳ менга» деган эканлар. Мен ҳам мақомни маромида куйлаган барча инсонларни устозим деб биламан.

— Сизни кўпчилик илмли йигит дейишади. Консерваторияда ҳам сабоқ берган экансиз. Пойтахтдан ташлаб қайтишингизга нима сабаб бўлган?

— Биласиз, у пайтлари Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтиш жуда қийин эди. Ҳар қанча уринмай, бу муаммони ҳал қилмадим. Қолаверса, ижарада яшашнинг ўзи бўлмайди. Ҳар ойда ижара пули тўлашга ва оиламини иқтисодий таъминлашга Консерваториядан оладиган иш ҳақим етмасди.

Мақомлар миллат руҳиятини юксалтирувчи, ўзлгимизни англашувчи, ҳақ сари бошловчи санъат дурдоналаридир. Ёшлар тарбиясида ундан самарали фойдаланишимиз керак.

Ўзлик илдишлари

Кўнгила сайр

НОГАҲОН БИР ЮЗ КЎРСАТИБ

Вах, не бало этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб,
Юзга юз зор этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб.

Бир кўриниб юз кўринмай, оразингни соғинтириб,
Зор-интизор этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб.

Жафоларин тортмас эдим бошимга ишқ тушимай туриб,
Ишққа дучор этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб.

Мухаббатинг шодлик-ғами энди тумор бўйнимдаги,
Банди тумор этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб.

Симоб янги қарорим йўқ, топди завол осойишим,
Кўп беқарор этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб.

Беназир ҳуснинг мулкидан жой сўрадим бир тангадек,
Минга қарадор этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб.

Бағринга ол Хушқолчи, ёр, ишқинг аро ўлмас бурун,
Ишқдан бемор этдинг мани ногаҳон бир юз кўрсатиб.

Пўлат НАЗАРОВ



Тадбир



Болажонларга шодлик улашиб...

Чилонзор туманидаги 66-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилмоғи лозим» шиори остида тадбир ташкил этилди.

Ёш авлодни она Ватанга, касба муҳаббат, каттага ҳурмат, кичикка иззат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган тадбирда тумандаги 15-Болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари бор маҳоратларини ишга солишди. Ижро этилган ашула, рақс, чолғу ансамбли ижрочилиги ва шеърий чиқишлар барчага манзур бўлди. **Шоҳида ЖУМАЕВА**, Тошкент шаҳридаги 15-Болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқитувчиси

Оғир атлетика

Яна бир бор олдинда

Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида оғир атлетика бўйича жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Сайёрамизнинг энг кучли полвонлари қатнашган баҳсларда юртимиз терма жамоаси ҳам муносиб иштирок этди.



Мусобақада Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўлими оғир вазн тоифасидаги спортчиси Акбар Жўраев 1 та олтин 2 та кумуш, Муаттар Набиева 3 та

бронза медали соҳибларига Муаттар аёллар ўртасида ўтказилган -55 кг. вазн тоифасидаги баҳсларда юртимиз Эндигина 17 ёшга кирган

шарафини ҳимоя қилиб, даст кўтаришда 88 кг. силтаб кўтаришда 111 кг. ва икки кураш якуни бўйича эса 199 кг. натижа билан ҳар бир йўналишда учинчи натижани қайд этди.

Мазкур мусобақада эришилган ютуқлар спортчиларимизга Токио Олимпиадасига қимматли рейтинг очколарини тақдим қилди.

Оғир атлетикачиларимиз Тяньцзинь шаҳридан 15-20 декабрь кунлари Қатарда бўлиб ўтадиган Қатар Қироллик кубоги мусобақаларида иштирок этиш учун сафарга отланишди. Юртимиз байроғини янада баланд кўтарилишига тилақдошмиз.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Пойтахтимизда Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган Касаба уюшмаси соврини учун «Мини-футбол - 2019» спорт мусобақаси ташкил этилди.



Олимлар беллашганда...

Фанлар академияси Бирлашган Касаба уюшма қўмитаси таркибидagi қорхона ва ташкилотлардан таркиб топган 20 дан ортиқ жамоа ўртасидаги беллашувлар қизгин курашларга бой бўлди. Якунда 1-ўринни Материалшунослик, 2-ўринни Астрономия, 3-ўринни Ядро физикаси ҳамда Тарих институтлари жамоалари эгаллади. Ҳали ҳам жамоаларга пул мукофоти, медал ва дипломлар топширилди.

Ўз мухбиримиз

Мини-футбол

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги ақиқатлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shanq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. **Қорхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Iproteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаназаридан фарқлиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳих:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуҷалилов

ЎЗА Якуни — **01:30**

Топширилди — **01:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табло. Буюртма Г — 1217.

27516 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6